

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O’RNI.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Гулчехра Ўскиновна Аҳмедова,
Термиз давлат университети
“Жаҳон тарихи” кафедраси ўқитувчиси
tursunovsafullo12@mail.ru

СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ

For citation: Gulchehra Oskinovna Ahmedova, SURKHANDARYA BAKHSHIS. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.54-58

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-7>

АННОТАЦИЯ

Сурхон воҳаси ўз дostonчилик мактаблари билан машҳур бўлиб, асрлар оша бахшилар ижоди билан замонамизга қадар етиб келди. Қадимги аждодларимизнинг тўй ва байрамлари бахшиларсиз ўтмаган. Бахшилар турли дostonларни куйлашар, халқни эзгуликка чорлашар эди. Уларнинг ижоди миллий маънавиятнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Ушбу мақолада Сурхондарё дostonчилик мактаблари, ва машҳур бахшилари ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: бахши, шоир, анъана, дostonчилик мактаблари, Алпомиш, Гўрўғли, экспромт.

Гулчехра Ускиновна Аҳмедова,
Преподаватель кафедры Всемирной истории
Термезского государственного университета
tursunovsafullo12@mail.ru

СУРХАНДАРЬИНСКИЕ БАХШИ

АННОТАЦИЯ

Сурханский оазис известен своими эпическими школами, которые сохранились до наших дней благодаря творчеству бахши. Свадьбы и торжества наших древних предков не обходились без бахши. Бахши пели разные эпосы и призывали людей к добру. Их творчество сыграло важную роль в формировании национальной духовности. В данной статье представлена информация о Сурхандарьинских эпических школах и знаменитых бахши.

Ключевые слова: бахши, поэт, традиция, эпические школы, Алпамыш, Горогли, экспромт.

Gulchehra Oskinovna Ahmedova,
Lecturer at the Department of World History,
Termez State University
tursunovsafullo12@mail.ru

SURKHANDARYA BAKHSHIS

ABSTRACT

The Surkhan oasis is known for its epic schools, which have survived to this day thanks to the work of the bakhshi. Weddings and celebrations of our ancient ancestors were not complete without bakhshi. Bakhshi sang different epics and called people for good. Their work played an important role in the formation of national spirituality. This article provides information about the Surkhandarya epic schools and famous bakhshi.

Index Terms bakhshi, poet, tradition, epic schools, Alpomish, Gorogly, improvization.

1. Долзарблиги:

Ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганар эканмиз, унинг асосини анъанавий дostonчилик ва бахшичилик санъати ташкил этганлигига гувоҳ бўламиз. Анъанавий дostonчилик тарихи халқнинг этник тарихи билан узвий ҳолда, анъанавий дostonчиликнинг ривожланиши оғзаки ижоднинг асрлар давомида шаклланиб келган чуқур ижтимоий тафаккур олами билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди ниҳоятда бойлиги ва хамиша навқиронлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мустақиллик туфайли миллий кадриятларимиз қатори халқ оғзаки ижодининг тикланиши ва ривожланишига имконият яратилди. Натижада халқимизнинг асрий анъаналари янада бойиди. Бахшичилик санъати шундай хазинаки, у ёшларни ўз халқи, ватани ва миллий анъаналарига чексиз ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бахшичилик ва миллий дostonчилик мактабларини ўрганиш ва уни келгуси авлодларга етказиб бериш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур мақола тарихийлик, қиёсий-таҳлил, ҳудудий ёндошув сингари методлардан фойдаланган ҳолда ёзилиб, унда Сурхондарёдаги дostonчилик мактабларининг бахшичилик санъатига қўшган ҳиссаси ёритилади.

Сурхондарё дostonчилик мактабларини ўрганиш ишлари машҳур тадқиқотчи Ҳ.Зарифов томонидан бошланди. У 1929 йилда Жанубий Ўзбекистон воҳасида ўтказилган этнолингвистик экспедиция аъзолари билан биргаликда қашқадарёлик Хидир, Бойсари, Ражаб шоир ва унинг шогирди Абдулла шоир Нурали ўғли, бойсунлик Холиёр Абдукарим ўғли каби халқ бахшиларини аниқлаб, уларнинг репертуарлари билан танишди ва айрим дostonларни ёзиб олди. Бундай экспедициялар бир неча бор ўтказилган ва уларнинг натижалари Ҳ.Зарифов томонидан эълон қилинган [1; 2].

Воҳа дostonчилигига бўлган қизиқиш 1950-80 йилларда янада кучайган. Хусусан, Ҳ.Т.Зарифов, В.М.Жирмунский, И.Султонов, Б.Н.Путилов, Т.Мирзаев, М.Афзалов, М.Саидов, М.Муродов, М.Жўраев, Ш.Турдимов каби олимларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ушбу мавзу янада ривожлантирилди. “Алпомиш” туркумига кирган бир қатор дostonлар нашр қилинди. Олимларимиз томонидан халқ оғзаки ижодига бағишланган турли илмий асарлар ва монографиялар чоп этилди. Улардан С.Турсунов [3], М. Наимов [4], Ў.Тошматов, Ш.Турдимов[5], И.Умаров [6] ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

3. Тадқиқот натижалари.

Бахши – дoston ва термалар куйлаб, бир вақтнинг ўзида ҳам актёрлик, ҳам шоирлик, ҳам созандалик маҳоратини намоён эта оладиган истеъдод эгасидир. Мана шундай истеъдод эгаларини етиштириб бераётган Сурхон воҳаси дostonчилик мактабининг ўрни беқиёсдир. Бу мактабда таниқли халқ бахшилари етишиб чиқиб, воҳа бўйлаб ўтадиган халқ байрамлари ва сайилларида, турли хил оилавий маросимларда иштирок этиб, ўз ижро услубларини сақлаб, давом эттирмоқдалар.

Сурхондарё воҳаси бахшичилигида учта дostonчилик мактаби, яъни Шеробод, Бешқўтон ва Бойсун бахшичилик марказлари мавжуд. Шеробод дostonчилик мактаби Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг бир неча туманлари, Тожикистон ва

Туркменистоннинг жанубий, қисман шимолий Афғонистондаги юзлаб бахшиларни бирлаштирган дostonчилик мактабидир. Шеробод дostonчилик мактаби туфайли Сурхондарё ва Қашқадарёда дostonчилик анъаналарининг изчил ривожланиши бугунги кунларда ҳам давом этмокда. Шунинг учун ҳам Шеробод дostonчилик мактаби вакилларида 1940-йилларида ёзиб олинган дostonларда дostonчиликнинг нисбатан қуйи босқич унсurlари, бадий тафаккурнинг унча ривожланмаган шакллари учрайди.

Шеробод бахшичилик мактабининг йирик вакилларида бири **Шерназар бахши Бердиназар ўғли** (таваллуд ва вафоти саналари тахминан 1855–1915 ёки 1866–1920) дир. Шерна бахши Шеробод беклигининг Озон қишлоғида туғилган. Халқ ўртасида Шерна бахши номи билан шуҳрат қозонган. 7-8 ёшлигидан дўмбира чертиб, дoston айта бошлаган. Унинг устози Қосим юзбоши 20 ёшлигидаёқ Бухоро амирлиги ҳамда Хоразм хонлигининг кўзга кўринган бахшилари билан айтишиб, уларни қойил қолдирган. Унинг устози Бобо шоир бўлиб, XIX асрнинг бошларида Шеробод беклигида яшаган. Қосим юзбоши Холмурод Қосим ўғли, Алим юзбоши ва Шерназар Бердиназар ўғли сингари бахшиларни тарбиялаб вояга етказган.

Шерна бахши 17 ёшида Шеробод беклигининг номдор бахшиси Ниёзали жебачи билан айтишувда ғолиб чиқади. Шерна бахши Ғузор, Бойсун, Шеробод, Денов, Ҳисор ва бошқа бекликларнинг бахшилари билан беллашади, беллашувлар ғолиби сифатида бахшилар сардорига айланади. Шерна бахши эликдан зиёд дostonни ёддан билган ва ундан 20 дан ортиқ дoston ёзиб олинган. У ўзидан кейинги авлодга мансуб қўплаб бахшиларнинг устози ҳисобланади, чунончи, Мардонакул бахши Авлиёкул ўғли, Мамарайим бахши Сафар ўғли, Бўрибой бахши Аҳмад ўғли унинг шогирдларидир. Шунингдек, озонлик Нормурод бахши Шерна ўғли, гиламболик Аҳмад бахши, Нурали бахши Боймат ўғли, оққўрғонлик Юсуф бахши Ўтаган ўғли, ғўринлик Жўра Эшмирза ўғли каби илғор бахшилар ҳам Шерна бахшининг сеvimли шогирдлари қаторига киради.

Шеробод дostonчилик мактабининг машхур вакилларида бири **Шотўра юзбоши Бойкул ўғли** (1887–1947)дир. Шотўра юзбоши Шеробод тумани, Қалламосор қишлоғида таваллуд топган. Отаси Бойкул шоирдан бахшичилик сирларини ўрганган. Бойкул бахши бир неча марта Бухоро амири Музаффархон ҳузурида дoston айтиб бахшичилик васиқасига соҳиб бўлади.

Шотўра бахши ота изидан бориб, элу улусга танилади, халқнинг тўю шодиёналарида хизмат қилади, ўз дostonлари билан кишиларни хушнуд айлайди. Шотўра бахши “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркумига оид қирққа яқин дostonларни юксак маҳорат билан қуйлаган. Бундан ташқари “Ёдгор”, “Шодмонбек”, “Савдогар” номли бошқа қатор дostonлар ҳам унинг ижод бисотидан ҳисобланади.

Шеробод бахшичилик мактабида унутилмас из қолдирган бахшилардан бўлган **Мардонакул бахши Авлиёкул ўғли** (1889–1975) алоҳида ажралиб туради. Мардонакул бахши Шерободдаги Озон қишлоғида таваллуд топади, икки ёшида онадан етим қолади ва тоғаси Шерна бахши кўлида тарбия топиб, вояга етади. Мардонакул бахши Шерна бахшига ҳам жиян, ҳам фарзанд, ҳам куёв, ҳам шогирд бўлиб, у Шерна бахшидан дostonчилик сирларидан таълим олади. Мардонакул бахши дostonчиликда ўз усулини ихтиро қила олган етук санъаткорлар сафида туради. Ундан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonи намунаси шу мавзудаги бошқа дostonлар ичида етакчи ўриндадир.

Мардонакул бахшининг дostonчиликдаги анъаналарини деновлик бахшилардан Тошмурод Тўра ўғли, Эшмурод Шердон ўғли, ангорлик Раҳим бахши, Қиём бахши Чори ўғли, бойсунлик Улаш бахши Ғози ўғли, шерободлик Али Саид Ҳайитназар ўғли, тожикистонлик Бўри бахши Аҳмад ўғли ва бошқалар юксак маҳорат билан давом эттирдилар.

Холиёр Абдуназар Карим ўғли 1897 йилда Паданг қишлоғида туғилган. 1929 йилда фольклоршунос олим Ҳоди Зариф Бойсунда бўлиб, Абдуназар бахшидан “Амир қочди” дostonини ва бир қанча термаларни ёзиб олади.

Холиёр бахши ўз вақтида совет режимига қарши чиқиб, истиқлолчилар сафига қўшилган ва тўқсабо лавозимида фаолият кўрсатган эди. Анвар пошшонинг Бойсундаги мағлубиятидан сўнг Холиёр бахши ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида “Амир қочди” достонини яратган. Бу билан ўзини совет тузуми тарафдори этиб кўрсатишга уринган. Шунга қарамай, 1938 йилда отиб ташланган. Унинг шогирди Мулла Эрмамат Бадалов йирик достончи эди. Устози қатл этилганидан сўнг мутлақо достон айтмай қўйди [7].

Чорша бахши (1932–2002, Шеробод, Каттатут қишлоғи) ижоди олдинги бахшилари билан кейинги авлод бахшиларини боғлаб турувчи занжирдир. У болаликдан қўшиқ ва ашула айтишга қизиққан, қишлоғидаги Назар бахши, Эсон бахши, озонлик Мардонакул бахши, такиялик Жўра бахшилар даврасида кўп бўлган, улардан дуойи фотиҳа олиб, терма ва достонлар айтишни бошлаган. Чорша бахшининг юздан ортиқ термалари бор ва у элликдан ошиқ достонни ёддан билган. Чорша бахши ижодига тегишли “Тошбосар” (1998), “Хурсўна” (1999), “Ёдгор” (2000) достонлари нашр этилган, шундан, иккинчи ва учинчи достонлар Алпомишнинг қизи ва ўғли тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Шодмон бахши Холлиев (1926–1984) Хатак қишлоғида туғилган. Шодмон бахши Холлиев кўзи ожиз бўлиб туғилди, аммо унинг қалб кўзи доимо очик эди. Унга Аллоҳ берган қувваи ҳофиза воситасида қиркдан зиёд достонни ёд билишига, мавжуд ички салоҳият санъаткорона ижро маҳоратига, қайноқ ижодий илҳом эса, янги достонлар, шеър ва термалар яратишига имкон берди.

Шодмон бахшининг устози Худойкул бахши бўлган. Худойкул бахши асли истаралик эди. Бир пайтлари унинг достон ва термалар айтиш маҳоратига Шеробод бегининг ўзи тан беришга мажбур бўлган. Совет даврида ҳам эл таниган ва тан олган доврўқли санъаткор эди. Масалан, Худойкул бахши билан бирга Мардонакул Авлиёкул ўғли, самарқандлик Раҳматилла Юсуф ўғли ва Бекмурод Жўрабой ўғли кабилар иштирокида 1946 йили Тошкентда 17 кун давомида санъаткорлар кўриги бўлиб ўтади. Худойкул бахши биринчи ўрин ва биринчи даражали дипломга сазовор бўлган.

Худойкул бахши амир замонидан буён «Гулиқаҳқаҳ пари» достонини айтиб келган. 1943 йили шу одам Термиздаги бир тўйда достонни охирги маротаба ижро этади ва бундан буёғига уни айтиш ҳуқуқини Шодмонга беради [8].

Самарқанд шаҳрида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг юз йиллигига бағишлаб 1972 йилнинг июн ойида ўтказилган халқ бахшиларининг биринчи республика зонал кўригида иштирокчилар дастурга биноан бешта достондан парчалар ижро этишган, терма, лапар, шеърлар айтишган.

Эркин мавзуда ҳам чиқиш шарт бўлган. Шодмон шоир кўрикнинг барча талабларини аъло даражада бажаради. Айниқса, эркин мавзу жараёни унинг оғзаки ижод чўққиларини забт этишга чиндан ҳам қодирлигини кўрсатди. Масалан, саҳнага кўз тиккан юзлаб томошабин халқ санъаткорининг дўмбирани турли оҳангларда ўйнатиб чертиш монандида – ҳамиша нақлларда айтиб келинган эса-да, лекин кўпинча амалда кўрилмаган ҳолга, – яъни ҳозиржавоблик (экспромт) йўли билан тўқилиб ижро этилган қўшиққа гувоҳ бўлганлар.

Олти вилоят вакили қатнашган кўрикнинг 2-ўрини ва 2-даражали дипломи Шодмон шоирга насиб этди. Республика кўригига йўлланма олди. Шодмон шоир Холлиев Тошкентга борганида халқ оғзаки ижоди намуналари ва ўзи яратган термаларни янада авж пардаларда куйлаб, пойтахт маданият ва санъат аҳлининг ҳам дилига хушнудлик бағишлади. У республика бахшилари кўригининг ғолибига айланди.

Шодмон шоир Холлиев ҳозиржавоблиги билан ҳам, халқ достонларини маромига келтириб айтиши билан ҳам томошабинни ром эта олди. У «Алпомиш» «Гўрўғли» туркумига кирувчи қиркдан ошиқ достонни ёддан билган.

Шеробод достончилиқ мактабига бирлашган бахши шоирлар: “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Юнус пари”, “Мисқол пари” каби достонларни алоҳида маҳорат билан ижро этишган. Шеробод достончилиқ мактаби вакиллари репуртуаридаги “Олтин қовоқ”, “Малла савдогар”, “Олланазар Олчинбек”,

“Тошбосар”, “Хурсўна” дostonлари бошқа жойлардаги бахшилар репертуарида учрамайди [9].

4. Хулосалар:

Янги асрда дунёнинг кўплаб халқлари ўз миллий қадриятлари, урф-одатлари ва маънавий-маданий маросимларига тобора қизиқиш билан қарамоқда. Зеро инсонни англаш учун у мансуб бўлган халқнинг урф-одат ва анъаналарини, бадий тафаккур намунаси ҳисобланган халқ оғзаки ижодини ўрганиш лозим. Ўтмишни ўрганмай туриб ёруғ келажак яратиш бағоят мушкул, зотан ўтмишни тафтиш қилиб эмас, балки тадқиқ қилиб ўрганиш савоб ҳисобланади. Сирасини айтганда халқ оғзаки ижодини ўрганиш –халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналари, тарихи бугунги ва келажаги, ўй-фикр, андиша-кечинмалари ҳамда руҳиятини ўрганиш демак. Бундай ижод саҳнасини англаш эса бахшичилик санъати сирларини ўрганишдан бошланади. Бахшичилик неча-неча асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келадиган ғаройиб санъатдир. Ҳар бир бахши хотирасида ўтмиш анъаналарини сақлаб, уни авлодларга етказган ва бу эпик анъана ҳар гал ижро жараёнида янада бойиб, янгиланиб борган. Бахшилик ва бахшичиликнинг эътиборга молик яна бир хусусияти устоз ва шогирдлик анъаналаридир, аждодлар ва авлодлар, мерос ва ворислик, кеча билан бугуннинг, бугун билан эртанинг ўзаро алоқалари унда тажассумдир.

Иктибослар/ Сноски/References:

1. Зарипов Х. Узбекский народный героический эпос. – Москва, 1947. (Zaripov H. Uzbek folk heroic epos. –Moscow, 1947).
2. Зарипов Х. К изучения узбекского народного эпоса //Вопросы изучения эпоса народов СССР – Москва, 1958. (Zaripov H. To the study of the Uzbek folk epic // Questions of studying the epic of the peoples of the USSR. – Moscow, 1958.)
3. Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Турсунова Н.М., Муртазоев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. –Тошкент, 2015. (Tursunov S.N., Pardaev T.R., Tursunova N.M., Murtazoev B. History of formation and development of baxshi art in Uzbekistan. –Tashkent, 2015).
4. Тошматов Ў. Фольклор кўшиқлари.–Тошкент, 2003. (Toshmatov O. Folk songs. – Tashkent, 2003.)
5. Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: Фан, 2011. (Turdimov Sh. Genesis and evolutionary stages of Gorogly epics. –Tashkent: Fan, 2011.)
6. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. Тошкент, 2014. (Umarov I., Rakhmonov G., Khudoiberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis. –Tashkent, 2014).
7. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000. –Б. 30, 70, 162, 171. (Murodov M., Ergashev A. Alpomishnoma. The second book. Interpretation of Kashkadarya. –Tashkent: Mehnat, 2000. –P. 30, 70, 162, 171).
8. Умаров И., Раҳмонов Ҳ., Худойбердиев Э. Боғлидара одамлари. Тошкент, 2014. –Б. 60-61. (Umarov I., Rakhmonov G., Khudoiberdiev E. Baghlydary people. Tashkent, 2014. –P. 60-61).
9. Турсунов С.Н., ва бошқалар. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. –Б. 45. (Tursunov S.N., and others. History of formation and development of baxshi art in Uzbekistan. –P. 45).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000